



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 8 апрель, сешанба, №37 (3538).

»» Президент

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

АҚТАУ ШАҲРИ – ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ



KAZINFORM. Ақтауда шаҳарга “2025 йилги Туркий оламнинг маданий пойтахти” мақомини бериш доирасида ушбу шонли санага бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими ўтди.

Ушбу муҳим воқеа муносабати билан Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев табрик йўллади.

Давлат раҳбарининг табригини йилнинг очилиш маросимида Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева ўқиб эшиттирди.

Президент ўз табригида Ақтау шаҳрига Туркий оламнинг маданий пойтахти мақомининг берилиши нафақат мамлакатимиз, балки барча қардош туркий давлатлар учун муҳим воқеа эканини таъкидлади.

“Бу воқеа нафақат Қозоғистон, балки барча қардош мамлакатлар учун улкан аҳамиятга эга. Тарихий Манғистау замини, бой Устюрт худуди туркий тамаддунинг ажралмас қисмидир. Бу муқаддас замин халқимиз ва бутун туркий оламнинг кўп асрлик маънавий меросини асраб-авайлайди. Бу йил ҳам аъёнлари ва тарихи муштарак бўлган халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилиб, муҳим қарорлар қабул қилинади. Туркий халқлар бирлиги мустаҳкамланаверсин! Каспий денгизи соҳилида ўтган кенг кўламли тадбирга Озарбай-



жон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистон, Туркменистон ва Венгриядан фахрий меҳмонлар ташриф буюриб, 100 мингдан ортиқ томошабин иштирок этди.

Лойиҳа 5 апрелда бошланиб, ноябрь ойигача давом этади. Маданий тадбир учун махсус этник шаҳарча барпо этилади, унда 7та овул ташкил этилади ва уларда туркий халқларнинг маданияти ва аъёнлари намойиш этилади.

Эслатиб ўтамиз, Туркий оламнинг маданий пойтахти сифатида ҳар йили Туркий тилли давлатлар шаҳарларидан бири танлаб олинади.

Мазкур мақом Турксий халқро маданияти ташкилоти томонидан берилади. Ташкилот Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон иштирокида 1993 йил 12 июлда ташкил топган. Унинг бош қароргоҳи эса Туркиянинг Анқара шаҳрида жойлашган. Ҳозирги вақтда ташкилотга 13 мамлакат аъзо.



ПРЕЗИДЕНТ КАСБИЙ БОКСЧИНИ ҒАЛАБА БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

KAZINFORM. Давлат раҳбари касбий боксчи Жанибек Алимханулини ўрта вазн тоифасида WBO ва IBF чемпионлик камарларини муваффақиятли ҳимоя қилгани билан табриклади.



Бу ҳақда Президент матбуот котиби Руслан Желдибай Telegram-каналда хабар берди.

“Қасим-Жумарт Тўқаев спортчининг юксак маҳорати ва матонати, Ватанимиз шаънини шараф билан ҳимоя қилгани барчамизда гурур ва ифтихор туйғусини уйғотганини таъкидлади. Президент Жанибекка улкан зафарлар тилаб, эзгу тилақларини йўллади”, дейилади хабарда.

Эслатиб ўтамиз, ўрта вазн тоифасида WBO ва IBF йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз, касбий боксчи Жанибек Алимханули (16-0, 11 KO) Астана шаҳрида ўтаётган “Battle of

the Brave” бокс мусобақасининг асосий жангида иштирок этди.

12 раундга мўлжалланган жангда Жанибек франциялик Анауэль Нгамисинге (14-0, 9 KO) билан жанг ўтказди.

Биринчи раунднинг сўнги сониясида қозоғистонлик боксчи рақибига кучли зарба бериб, уни нокаутга учратди.

Бешинчи раундда франциялик боксчи Жанибекнинг оғир зарбасидан йиқилди. Ҳакам жангни муддатидан аввал якунлади.

Шу тариқа, Жанибек Алимханули ўзининг касбий фаолиятида 17-мартта ғалаба қозонди ва кўш чемпионлик камарини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Қозоғистон жаҳон ОАВларида



Anadolu:

Словения – Қозоғистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим ҳамкорларидан бири

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланмоқда. Бу фикрни Словения президентининг Қозоғистонга расмий ташрифи чоғида Қасим-Жумарт Тўқаев ҳам такрорлади. Унинг сўзларига кўра, ўтган йили Люблянада Қозоғистон элчихонасининг очилиши – дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланаётганидан далолатдир. Президентнинг нутқи Anadolu ахборот агентлиги томонидан чоп этилди.

Президентлар икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар. Айни пайтда икки давлат ўртасида фармацевтика, қайта тикланувчи энергия манбалари, машинасозлик, телекоммуникация соҳаларида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қ. Тўқаев Қозоғистонда словениялик 20га яқин компания ушбу соҳаларда муваффақиятли иш олиб бораётганини таъкидлаб, иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

– Тоғ-кон саноати, яшил энергия, атом саноати, рақамлаштириш ва инновациялар, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдик. Мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш мақсадида Ҳукуматлараро комиссия фаолиятини жонлантириш ва унинг фаолиятини янги босқичга кўтаришга қақирдим. Икки давлат ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Шу муносабат билан биз “Қозоғистон – Словения” ишбилармонлар кенгашини тузиш масаласини муҳокама қилдик. Словениянинг йирик ишбилармонлари ҳам мамлакатимизга ташриф буюришди, – деди Қ. Тўқаев.

Томонлар долзарб халқро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиб, мақсадлари муштарак эканлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, маданий-гуманитар ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Report:

100 миллион долларга яқин экспорт шартномаси тузилди

Апрель ойида ҚР Савдо ва интеграция вазири Арман Шаққалиев бизнес-делегациясини Хитойнинг Шэньси вилояти маъмурий маркази Сиань шаҳрига олиб борди. Натижада қозоғистонлик ишбилармонлар Сиань шаҳрида ўтказилган савдо-иқтисодий музокаралар натижасида 98 миллион долларлик шартнома тузилди.

Ҳозир давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик бир қанча йўналишларда ривожланмоқда. Ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,8 фоизга ошиб, 43,8 миллиард долларга етди. Ўтган йили ШХТ саммитида икки давлат раҳбарлари бу кўрсаткични 80 миллиард долларга етказишни мақсад қилган эди. 2024 йилда Қозоғистон орқали Хитойдан Европага 300га яқин поезд жўнатилди, жорий йилнинг дастлабки икки ойида эса 111дан зиёд поезд жўнатилди.

Эслатиб ўтамиз, 2 апрель куни Сиань шаҳрида Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий музокаралар доирасидаги В2В учрашувлари муваффақиятли якунланди. Натижада Қозоғистон компаниялари 98 миллион долларлик экспорт шартномаларига имзо чекди. Шунингдек, QazTrade савдо-иқтисодий миссияси доирасида махсус кўргазма ташкил этиб, Қозоғистоннинг 50га яқин компаниясининг озиқ-овқат соҳасидаги маҳсулотларини намойиш этди.

TACC:

Ғалаба намойишига – 300та ҳарбий машина чиқарилади

Бу йил Қозоғистонда ўтадиган Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган ҳарбий намойишга 300 дана ҳарбий техника олиб келиш режалаштирилган. Ҳозир тайёргарлик ишлари авжида.

Маълумки, намойишда 24та ҳарбий жамоалар жамоаси иштирок этади. Иштирокчиларнинг умумий сони 4000 нафардан ортиқ, 300дан зиёд механизациялашган жанговар ва махсус машиналар майдонга чиқади. Улар орасида тарихий даврини акс эттирувчи техника моделлари ҳам бор. Ҳаво парадида 66та турли русумдаги самолёт намойиши кутилмоқда.

Улуғ Ватан уруши йилларида 1,3 миллиондан зиёд қозоғистонлик фронтга сафарбар этилган, уларнинг ярми жанг майдонида ҳалок бўлган. Бундан ташқари, 500дан зиёд қозоғистонлик “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган. ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозирда республикада 120 нафар уруш фахрийси умргузаронлик қилмоқда.

Жаҳон ОАВ маълумотлари асосида.

ЯНГИ ДАВРДА ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

KAZINFORM. “Биржа товар бозори-2025” халқаро анжумани якунларига кўра, “Каспий” товар биржаси” АЖ ва “Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси” АЖ ўртасида ҳамкорлик ва кўшма фаолият тўғрисида шартнома имзоланди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон товар биржалари ўртасидаги келишув сабзавот ва мевалар савдосини оsonлаштириш, унинг тезорлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган.

Бу аҳолини барқарор нархлар ва сифатли маҳсулотлар билан ишончли таъминлашга хизмат қилади. Имзоланган шартнома электрон савдо майдончаларини интеграциялаштириб, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларнинг биржа савдоси соҳасида барқарор ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни шакллантиришга қаратилган.

Ҳамкорликнинг асосий мақсадлари Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро савдони жонлантириш, савдо жараёнларининг шаффофлиги ва барқарорлигини ошириш, экспорт-импорт учун қулай шарт-шароитлар



яратиш, шунингдек, халқаро агроозиқ-овқат бозорларида икки томоннинг мавқенини мустаҳкамлашдан иборат.

– Муҳим йўналиш – сифат андазалари, сертификатлаш ва маҳсулот хавфсизлиги. Шунингдек, логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш ва етказиб бериш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида рақамли ечимлар ва алмашув технологиялари соҳасида тажриба алмашишга келишиб олдик, – деди “Каспий товар биржаси” АЖ президенти Мурат Қадисов.

Дастлабки кўшма тажриба савдоси 2025 йилда бошланади.

ҚОЗОҒИСТОНДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ ҲАВО ЙЎНАЛИШИ ОЧИЛАДИ

KAZINFORM. ҚР Транспорт вазирлиги парвозлар доирасини кенгайтириш ва мавжуд йўналишлар бўйича парвозлар сонини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда.

Жорий йил 1 майдан Қозоғистоннинг “Qazaq Air” авиакомпанияси Ўзбекистонга “Астана – Туркистон – Самарқанд” йўналиши бўйича янги йўналиш очишни режалаштирмоқда. Парвозлар ҳафтасига икки марта (пайшанба ва яшанба кунлари) амалга оширилади.

Шундай қилиб, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги умумий парвоз-рейс ҳафтасига 42тадан 44тага ошади.

Ҳаво қатновининг очилиши икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, бизнес ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

ПОРА – ЮЗНИ ҚИЛАДИ ҚОРА!

Порахўрлик – қадимий иллатлардан бири. Қаердаки, нафсини тия олмайдиган кимсалар бор экан, у тобора чуқурроқ олдиз отиб бораверади.

Шимкент шаҳар уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлигининг собиқ ўринбосари Дауренбек Қўжабаев йирик миқдордаги пора олганликда айбланиб, 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

У Уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати раиси ўринбосари бўлиб ишлаган ва 2023 йилда порахўрликда айбланиб, беш ярим йилга озодликдан маҳрум этилган Мақсат Қўжабаевнинг укаси.

Жиноят ишлари бўйича Шимкент шаҳар ихтисослаштирилган туманлараро суди Дауренбек Қўжабаевни мактаб директорида 42 миллион тенге олганликда айбдор деб топди. Аёл ўзи бекдордаги мактабга ўқитувчини ишга қабул қилгани учун бир миллион тенге олганликда айбланган.

Собиқ уюшган жиноятчиликка қарши кураш посбони 11 йилни ўртача хавфсизлик даражасидаги жазони ижро этиш муассасасида ўтайди. Шунингдек, маҳкумга ҳар қандай давлат хизматини эгаллаши умрбод тақиқланади.

«Жанубий Қозоғистон» муҳбири.

Ўрдабаси туманидаги 50 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Шубарсу қишлоғида янги полиция биноси фойдаланишга топширилди. Тантанали тадбирда Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеров, полиция департаменти раҳбари М. Қабденов, туман ҳокимлиги раҳбарияти, қишлоқ оқсоқоллари иштирок этди.

Икки қаватли янги замонавий иншоотда ҳуқуқ-тартибот посбонлари самарали фаолият юритишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Бинода маърифат хонаси, мажлислар зали, болалар хонаси, махсус тергов мажмуаси, туман марказидаги видеокузатув камераларига уланган вазият марказининг фаолияти йўлга

қўйилган. Буларнинг барчаси ходимларнинг сиёсий, маърифий ва жанговар тайёргарлигини кучайтиришга, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни зудлик билан аниқлаш имконини беради.

Тадбирда яратилаётган шарт-шароитларга муносиб тарзда хизмат қилиш зарурлиги ва энг асосийси, халқни рози қилиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

– Буларнинг барчаси ҳуқуқ-

ШУБАРСУДА ЯНГИ ПОЛИЦИЯ БИНОСИ



тартибот посбонларининг самарали фаолият юритишлари учун амалга оширилмоқда ва фуқароларнинг ички ишлар органларига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фаолиятининг муваффақиятлар тилаб қоламан, – деди вилоят ҳокими.

Тадбир иштирокчилари янги бинони кўздан кечиришди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.




Туркистон шаҳрида 5-халқаро зотдор қўйлар кўргазмаси ўтди. “Туркистон” шоу аренасида ўтган кўргазмада Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Ингушетия, Мўғулистон, Молдова, Қозоғистондан 200 нафарга яқин фуқаро иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев иштирок этиб, ташкилотчилар ва чорвадорларга миннатдорчилик билдириб, омад тилади.

– Қўйчилик азалдан халқимизнинг энг катта миллий бойликларидан бири, асосий чорвачилик соҳаси бўлиб келган. Чорвачиликда доимо от ва қўйларга алоҳида эътибор қаратилган. Халқимиз қўйларни боқиб, уларни кўпайтиришнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиққан. Вилоятимизда наслдор қўйларнинг улуши 13 фоизни (581 минг бошдан зиёд) ташкил этади. Сўнгги 10 йилда чорвачиликда сондан кўра сифатга эътибор кучайтирилмоқда, – деди вилоят ҳокими ўринбосари ва минтақа чорвадорлари ушбу халқаро тадбир туфайли қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маҳаллий чорвадорларнинг ўзига хос тажриба орттиришига ишонч билдирди.

Тадбир доирасида қўйлар-

ТУРКИСТОНДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



нинг энг оғир вази ва бўйи, ташки кўриниши бўйича танловлар уюштирилди. Ғолиблар 45 номинация бўйича аниқланди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, энг яхши, намунали қўй соҳиблари мотоцикл, телевизор, музлатгич ва бошқа қимматбаҳо

совғалар билан тақдирланди. Умумий мукофот жамғармаси 30 минг долларни ташкил этди.

Кўргазмада илк бор Гиннесснинг рекордлар китобига киририлган “Байсари” насли қўй намойиш этилди, унинг вази 231 кг.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон вилояти чорвачиликни ривожлантириш бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди. Республикаимиздаги қорамоллар сонининг 12 фоизи (970,1 минг бош), қўйнинг 23 фоизи (4135 минг), отнинг 11 фоизи (430,7 минг), туянинг 15 фоизи (41 минг), шунингдек, етиштирилган гўштининг 12 фоизи (245,8 минг тонна), сутнинг 13 фоизи (147 минг тонна) вилоятимиз улушига тўғри келади.

Республикада экспорт қилинадиган қорамол гўштининг 80 фоизи, қўй гўштининг 75 фоизи вилоятимиз улушига тўғри келади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Вилоятимизда “Тоza Қозоғистон” дастури доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, яшил майдонга айлантириш мақсадида баҳорги кўчат экиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Сариев шаҳри ҳудудида ўтувчи республика аҳамиятига молик А-15 автомобиль йўли бўйига 300 туп қарағай, олхўри, терак кўчатлари ўтказилди. Тадбирда туман ҳокими билан бирга давлат мутасаддилари, тадбиркорлар, туман аҳолиси, кўнгилчилар иштирок этди.

Тадбирда 800га яқин киши иштирок этиб, 4та техника сафарбар этилди.

Жетисай туманида яшил ҳудуд барпо этиш мақсадида 5,5 минг туп турли дарахт кўчатлари ўтказилди.

Баҳорги экиш мавсумида ўқитувчилар, туман ёшлари, фаоллар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили туман аҳолиси кўп ташриф буюрадиган дам олиш масканлари, майдонлар, истироҳат боғлари, хиёбонларга 23 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказган эди.

Тўлебий туманининг Қазигурт тоғи этагида жойлашган Абай овулидаги 150 оилага дарахт кўчатлари бепул тарқатилди.

Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган Алатау ва Қасқасу қишлоқлари ҳудудида минглаб турли кўчатлар ўтказилди.

Кемеқалган қишлоғида ўтган шанбаликда сўзга чиққан туман маслаҳати котиби

Нурлан Қўйбағаров ҳам ўз ҳисобидан қишлоқ аҳлига 1000 туп кўчат ҳада қилди.

“Тоza соҳил” тадбири доирасида тумандаги сув муҳофазаси ҳудудлари, дарё қирғоқлари, йўл ёқалари кул ва чиқиндилардан тозаланди. Шунингдек, болалар майдончалари, ички кўчалар, истироҳат боғлари, хиёбонлар тозаланиб, чиқинди махсус жойга олиб чиқилди.

Тозалаш тадбирларида 350 киши ва 15та техника жалб қилинди.

Бугунги кунда Тулкибош туманида 100дан зиёд булоқ, дарёлар, кўллар мавжуд. Шақпақ бобо қишлоғидан бошланувчи Арис дарёси бўйи ифлосланиб кетган эди.

Туманда ўтган шанбаликда унинг 7 чакирими тозаланди. Тадбирда туман ҳокими Аскар Естибаев раҳбарлигидаги туман ҳокимлиги ва мустақил бўлимлар мутахассислари ҳамда муассасалар ходимлари, Тул-

кибош агробизнес коллежи ҳамда мактаб ўқувчилари ва кўнгилчилар, туман аҳолиси иштирок этди.

Қатор қишлоқларда янги истироҳат боғлари барпо этилмоқда.

– Қишлоқларимизга файз бағишловчи янги боғлар аҳоли саломатлигини яхшилашга, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига ҳамда ҳудудлар иқлимини муътадиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлар, боғ-роғлар, далаларда тозалаш ва ободонлаштириш, тева-рак-атрофдаги дарахтларга шакл бериш, оқлаш, йўл, ариқ ва қувурларни тозалаш, чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариб ташлаш халқимизга одат бўлиб қолган. Бу ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қилади, – деди А. Естибаев. – Бугунги кунда йирик аҳоли манзилларида кўкаламзорлаштириш ишларини режа асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқлар қиёфаси ўз навбатида аҳолининг, халқнинг турмуш маданиятидан далолат беради.

Мухтасар қилиб айтганда, Давлат раҳбарининг Қозоғистонни тоза ва обод яшил улкага айлантириш ташаббусини туркистонликлар яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

»» Миллий Қурултой тавсиялари – ҳаётга!

ҚАДРИЯТЛАРНИ ЯНГИЛАШ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Бурабай шаҳрида Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида Миллий Қурултойнинг IV йиғилиши ўтди.



– Ҳокимият тизимидаги бундай кенг кўламли ўзгаришлар мамлакатимиз тарихида бўлмаган, – деди унда сўзга чиққан Давлат раҳбари. – Миллий Қурултой аъзолари фуқароларни ягона бунёдкорлик мақсадлари атрофида бирлаштириб, мамлакатимизни замонавийлаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Дастлабки кунларданок мазкур мулоқот майдони янгилаш тимсолига айланиб, жамоатчилик муҳокамасининг янги андазаларини белгилаб берди. Ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат бор жойда ҳамisha аҳиллик бўлади. Бу Миллий Қурултойнинг асосий вазифасидир.

Қурултойда Давлат раҳбарининг нутқидан қозоғистонликлар, шунингдек, ижодкорлар бутун зиёлиларни кўздан бўён ўйлантириб юрган саволларга муфассал жавоб топишди. Унда жамиятимизнинг маънавий мустаҳкамлигига ҳамда баъзи бир камчиликларнинг ҳам мавжудлигига эътибор қаратилган ҳолда, энг муҳими, миллий онгининг сифат жиҳатидан янгилаш зарурлиги исботлаб кўрсатилди. Президент маърузасининг ҳар бир банди таҳлил ва мушоҳадага йўғрилган, унда кўтарилган масалалар кўпчилиكنинг қалбидаги шубҳа-гумонларни тарқатиб юборгандай туюлади, гўё.

– Кинотеатрларимизда намойиш этилаётган фильмлар юзасидан жамиятда танқидлар бўлмоқда, – деди Қ. Тўқаев. – Ўтган йили қозоғистонлик киноижодкорлар томонидан суратга олинган 94та фильм намойиш этилди. Яъни кинотеатрларимизда асосан маҳаллий фильмлар намойиш этилади. Бу яхши аънава. Лекин биз миқдорни эмас, сифатни биринчи ўринга қўйишимиз даркор. Томошабинларга яхши кайфият ва завқ бағишлаш бир жиҳат, лекин номақбул хатти-ҳаракатларни тарғиб қилиш мутлақо бошқа нарса. Бизда зўравонлик, шафқатсизлик, жиноят ва беҳаё ишқий муносабатларни тарғиб қилувчи фильмлар ҳам мавжуд. Кино мафзуранинг муҳим қуроли эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. Шу боис, кинофильмларни, жумладан, хусусий маблағлар ҳисобидан суратга олинган фильмларни намойиш этишдан аввал пухта назоратдан ўтказиш чораларини кўриш керак, – деди Президент.

Давлат раҳбари жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар ва янгилашлар жараёнига ҳам тўхталди, жумладан, мамлакатимизда барча соҳалардаги кенг кўламли ислохотлар ва мақсадли ўзгаришлар халқимизнинг орзу-интилишлари ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга оширилаётганини таъкидлади.

– Мамлакат келажиги учун алоҳида аҳамиятга эга соҳалардаги ишлар изчил давом эттирилиши керак, – деди у. – Менинг топширигим билан 2023 йилда ишлаб чиқилган “Гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмига қарши кураш” мажмуавий режаси жорий йилда ниҳосига етади. Бу ижтимоий иллатга қарши курашиш энг муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун ушбу йўналишдаги тадбирлар янги ҳужжат асосида давом эттирилиши лозим.

Жорий йилда ҳам болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ва ўсмирлар ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш юзасидан мажмуавий пойиҳа яқунланди. У ҳам янгилашнинг даркори.

– “Оилавий зўравонликка қарши кураш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганидан кейин бу борадаги аҳвол анча яхшиланди. Бироқ айрим чекка ҳудудларда ҳамон бу каби иллатлар қайд этилмоқда. Ноанъанавий диний оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар вазиятни янада қалгаллаштирмоқда. Маҳаллий ҳокимлик вакиллари ва жамоат арбоблари оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни давом эттирмоқда. Бундан ташқари, ушбу йўналишдаги ишлар турли ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда, лекин етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Шу боис, барча чора-тадбирларни “Қозоғистон болалари” ягона дастури доирасида жамлаш зарур деб ҳисоблайман, – деди Қ. Тўқаев.

Шунингдек, Юртбоши бу икки соҳани бир-биридан ажратмасдан, болаларга таълим ва тарбия бериш бўйича мажмуавий тизимли ишларни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда ўтган йили мактабларда “Ягона тарбия” дастури йўлга қўйилган бўлиб, Президент таъкидлаганидек, эндиликда ушбу дастур мамлакатимизнинг барча давлат таълим муассасаларида ҳам жорий этилиши зарур.

Дарҳақиқат, маънавий кадриятларни теран тушунмаслик оқибатида турли сохта ақидаларга ишониб, унинг охири террорчилик ҳаракатларига уланиб кетиши ҳам жамиятда салбий муносабатларни шакллантирмоқда. Маънавий кадриятлардан йироқлашган жамият парчаланиб кетади. Инсоннинг онгида ҳосил бўлган бўшлиқни эса ижтимоий тармоқлар ёрдамида зўравонлик, манманлик иллатлари эгалламоқда.

Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахтига айланди. Туроннинг олис ўтмишдан илдиз олган тарихи, урф-одатлари мавжуд. Унинг ўша қадим замонлардан бугунги кунга қадар етиб келган маданияти, адабиёти, тили, тарихи, аънава ва урф-одатлари бор. Хулоса шуки, ижтимоий тармоқлар ажодларимиздан қолган тўғри йўл ва бетакор аънаваларни янгилаш бориб, иллатлардан фориг бўлиб, ўзини замон ва келажак талабларига мувофиқ равишда камол топтириши зарур. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Ер юзюда ягона Қозоғистон халқи Ассамблеяси мамлакатимизда эл бирилигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, ҳар бир халқнинг миллий кадриятлари ўзи билан мангу яшаб келаётган бой тилида, илғор урф-одатларида, юксак ва қимматли санъатидадир. Уларни бир-бирдан ажратиб қараш мумкин эмас. Сабаби, улар бир-бирини тўлдирга бориб, бутун бир миллатнинг ўзига хослигини, ўзлигини ташкил этади.

Шундай экан, Туркистоннинг қайта янгилаши – халқнинг ўз маънавий туб илдизини тўлиқ англаб олишга бўлган интилишидир.

А. АБДУФАТТОҲ.

Тайинланди

Қозоғистон Республикаси Президенти Девонининг розилиги билан Талғат Жапарханули Қўзбеков вилоят ҳокимининг ўринбосари этиб тайинланди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Қўшев вилоят фаолларига янги ўринбосарини таништириб, минтақани тараққий эттириш борасида муҳим вазифалар юқланганини таъкидлаб, келгуси ишларига муваффақият тилади.

Талғат Қўзбеков 1976 йили Талдиқўрган вилояти, Панфилов тумани, Қўқтал қишлоғида туғилган. Абай номидаги Алмати давлат университетини “Ху-

Янги ўринбосар тайинланди

қуқшунос” ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1999 йили Панфилов тумани солиқ кўмитасининг Солиқ аудитори бўлимида солиқ нозир лавозимидан бошлаган.

2022 йил сентябрь ойидан буюн Жетису вилояти Давлат даромадлари департаменти раҳбари лавозимида фаолият юритди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Элни азиз қилар, элда азизлар



Яқинда Саврон туманидаги “Янги Икон” мактаби анжуманлар залида муסיқа 9-синф ўқувчиси Бобур Умарқуловнинг ташаббуси ва ташкилотчилигида, ўқувчиларнинг адабиёт ва шеърятга қизиқишини кучайтириш, ҚР ҳамда Журналистлар уюшмаси аъзоси, шоир Акажон Иззатийнинг ижоди ва фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида адабий кеча уюштирилди.

Тадбирни инглиз тили ўқитувчиси Ёдгор Райимова очиб, шоирнинг таржimai ҳоли, ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилди.

4-синф ўқувчилари Умар Абдувалиев, Фарангиз Ирисқулова, 6-синф ўқувчилари Камола Залиева, Алишер Умаров А. Иззатийнинг ота-она ва миллатлараро дўстлик мавзусидаги шеърларини 6-синф ўқувчиси Дурдона Ғафурова, 8-синф ўқувчиси Севинч Алёрова, 9-синф

ўқувчиси Зиёда Ойбековалар шоирнинг қозоқ, рус, ва инглиз тилларига таржима қилинган шеърларини ифодали ўқиди.

7-синф ўқувчилари Гулсанам Зухридинова ва Элиза Урмоноваларнинг Акажон Иззатийнинг “Сулув Кўкқие” шеърига, Бобур Умарқулов муסיқа басталаган қўшигини томошабинлар эътиборига ҳавола қилишди. Шоир Акажон Иззатий ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериб, кеча ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди. “Қалдирғоч” ёшлар ижодий уюшмаси аъзоси, “Янги Икон” мактабининг 7-синф ўқувчиси Умитой Отахонова ўз ижодидан шеърлар ўқиди.

Имом, марҳум Абдуқодир Фозил ўғли Акажон Иззатийнинг “Навобой бобо” номли шеърининг араб тилидаги ва Ўзбекистон, Тожикистон республикаларидаги мухлислари томонидан турк

тилига таржима қилинган ҳамда ўзбек тилидаги шеърларини ўқиган видеолавҳалари кеча иштирокчиларида зўр таассурот қолдирди. Сўнг сахнага шоир шеърларининг илк тингловчилари, Эргаш Неъматуллаев номидидаги “Кўкқие илҳомлари” ижодий уюшмаси аъзолари, Янги Икон қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ўсар Неъматуллаев, Янги Икон ва Эски Икон қишлоқларидаги мактаблардан ташриф буюрган шоирнинг ҳамкасблари ҳамда кутубхоначилар таклиф этилди.

Кеча сўнгиди Акажон Иззатий мактаб кутубхонасига ўз китобларини тўхфа қилди, мактаб маъмурияти шоирга эсдалик совғаларини топширди.

Зафар АМИНОВ, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.

СОБИҚ ЖАНГЧИ, МОҲИР УСТОЗ-МУРАББИЙ ЭДИ

Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғи тарихига мурожаат қиламиз. 1956 йилга қадар, қишлоқ Фрунзе тумани маркази бўлган. 1956 йилдан 1995 йилгача Туркистон тумани, сўнгра Туркистон шаҳри таркибидаги қишлоқ маркази эди. Туркистон вилояти ташкил этилгач, Чўрноқ қишлоғи Кентов шаҳри тасарруфида бўлган. Саврон тумани ташкил этилгач, Чўрноқ қишлоғи яна туман маркази мақомига эга бўлди.

Собиқ Фрунзе, Туркистон ҳозирги Саврон тумани шонли тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган зиёли, маърифатпарвар инсон Абутолиб Исмоиловдир.

У 1925 йили 20 мартда таваллуд топган. 1932-1941 йиллари қишлоқдаги Фрунзе номи ўрта мактабда ўқиди. 1941 йили ўқитувчилар тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаб, ўзи ўқиган даргоҳда мураббийлик фаолиятини бошлади. 1943 йили 18 ёшида ватан ҳимоясига отланди. Шиддатли жанглarda учинчи Украина fronti таркибидаги ҳаво десант разведкасида взвод командири сифатида мардлик намунасини кўрсатди. Руминия, Австрия, Венгрия, Чехословакия мамлакатларини 104-гвардиячи ҳаво десант таркибида фашистлардан озод этишда фаол қатнашди. Жасорати “Қизил Юлдуз”, “Биринчи даражали Ватан уруши” орденлари ҳамда “Мардлиги учун”, “Ҳарбий жасорати учун”, “Сталинградни озод қилгани учун”, “Венани озод қилгани учун” каби 24та жанговар медал ва кўрак нишонлари билан тақдирланган. Бир неча марта ярадор бўлди. 1945 йили Берлинда душманни яқсон этиб, қадрдон юртига голиб жангчи сафида ёруғ юз билан қайтиб келди.

Урушдан сўнг Абутолиб Исмоилов кадрдон қишлоғидаги Фрунзе номи мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Сиртдан Тошкент шаҳридаги педагогика институтининг тарих-география факультетини аълога тамомлайди. 1950 йилдан Фрунзе тумани таълим бўлими нозирини,

Фрунзе номли мактаб директори, туман таълим бўлими раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида самарали меҳнат қилади. Теран билим, изланувчанлик, ўз малакасини узвий орттириши шарофати билан туманда биринчилар қаторида мактабдаги таълимни бир сменада амалга ошириш тизимини жорий этади. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, “Қозоғистон ССР таълим соҳаси аълочили” ҳамда яна кўплаб мукофотларга сазовор бўлади.

Абутолиб Исмоил ўғли пири бадавлат ва ибратли оила соҳиб сифатида умр йўлдоши, қахрамон она Моҳира Насан қизи билан ўн нафар ўғил-қиз тарбиялаб, вояга етказган. Иқтидорли фарзандлари Мавлуда, Махсума, Гулнор, Хуррият, Анвара, Жасоратлар ота изидан бориб, устозлик жабҳасида самарали фаолият юритиб, элда эъзоз топган ўқитувчилар. Улар Саврон туманидаги Т. Айтжанов, А. Усенов, Тўлебий номли ва “Шўрناق” умумтаълим мактабларида заҳматли меҳнатлари билан танилган. Хусусан, Чўрноқ қишлоғидаги Т. Айтжанов номли мактаб касаба уюшмаси кўмитасининг тажрибали раиси ҳамда кўплаб иқтидорли шогирдлар тайёрлаган заҳматкаш устоз, Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Хуррият Абутолиб ўғли “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасини ташкил этишда фидойилик кўрсатмоқда. Унинг ушбу жонқуярлигини мамнуният билан эътироф этамиз. ҚР Фахрий фуқароси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси унвонлари соҳиби бўлган фаол обуначимиз Хуррият Абутолиб ўғли ўтган афғанда вилоят таълим бошқармасининг “Фахрий устоз” медали билан тақдирланди. Абутолиб отанинг фарзандлари Ғайрат, Шухрат, Давлат, Давронлар ҳамда неваралари Фарид, Вазира ҳам эл равнақи йўлидаги меҳнатлари билан танилган фидойи инсонлар. Фидойи инсон, она ватанни душмандан ҳимоя қилишда қон тўкиб, мардлик намунасини кўрсатган Абутолиб



Исмоиловнинг исм-шарифи вилоят марказидаги “Жеңис” истироҳат боғида 18547 нафар туркистонлик жангчиларнинг порлоқ хотирасига бағишлаб барпо этилган мрамар лавҳага зарҳал ҳарфлар билан битилган. Собиқ шогирдлари ва миннатдор ҳамқишлоқлари саъй-ҳаракатлари билан Абутолиб Исмоил ўғлининг номини абадийлаштириш мақсадида ўзи истикомат қилган кўчага номи берилган. Урушда иштирок этиб ватан учун қон тўккан, кўплаб иқтидорли шогирдлар тайёрлашда садоқат билан меҳнат қилган, бугунда орамизда йўқ бўлса ҳам қалбимизда барҳаёт кекса авлод ҳамюртларимизнинг охирати обод бўлсин.

Уларнинг ватанпарварликка йўғрилган шонли ҳаёт йўли ва самарали меҳнати бугунги авлод учун ибрат мактабидир. Абутолиб Исмоил ўғлининг умр йўлдоши Моҳира Насан қизи 92 йил умргузаронлик қилди. Келини, Хуррият Абутолиб ўғлининг умр йўлдоши Меҳрибон Аялбергара қизи қайнонасини ўз онасидек эъзозлаб, ихлоос, иймон ила қалб меҳрини бахшида этган табаррук онахон.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Интернет тармоқларида жиноят кўпайиб, оддий фуқаролар молиявий ва ахборий саводсизлиги туфайли интернет фирибгарларининг тузоғига илиниб, зарар кўравергач, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев мутасадди вазириликка тезкор чора-тадбирлар кўришни топширди. Интернет фойдаланувчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларни турли фирибгарликлардан огоҳлантириш мақсадида ўтган йили 1 ноябрда алоҳида Киберполиция (Ички ишлар вазириликда кибержиноят билан курашиш департаменти) ташкил этилди.

Туркистон вилояти ички ишлар департаментида ҳам «Кибержиноятларга қарши иш-ҳаракатлар» бошқармаси («CyberPol») ходимлари интернет-фирибгарликка қарши курашни бошлади ва бугунги кунда тизимли равишда олиб бормоқда. У 2025 йил 5 январда 9 кишилик штат билан мустақил идора сифатида энг сўнгги ахборий технологиялардан фойдаланган ҳолда вилоятимиздаги «даромад манбаи»даги ҳуқуқбузарларга, фирибгарларга қарши «хужум» бошлади.

Бу ва бошқа муҳим маълумотлар ҳақида вилоят ички ишлар департаментининг Киберпол бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Ермек Шахим билан суҳбатлашдик.

– Интернет фирибгарлик қайси соҳаларда кенг тарқалган, қайси шакл-кўринишларда намоён бўлмоқда?

– Ўтган йили февраль ойида алдаб, маблағини кўпайтираман ёки сармога орқали пул топши имкониятини топиб бераман деб, сохта ваъдалар билан жабрланувчиларга 160 миллион тенге миқдорида зарар етказган 24 ёшли фуқаро кўлга олинди. Жиноий иш кўзга тилиб, иши судга оширилди. Шунингдек, вилоятда «Фирибгарликка қарши» мавзусида тезкор чора-тадбирлар ўтказилди. Бу тадбир анча жиноятларнинг юзини очди. Жабрланувчиларни пулини кўпайтириб олиши мумкинлигига ишонтириб, турли насыллар олдирган, ва охирида чунд тушириб, алдаб кетган 34 ёшли фуқаро кўлга тушди. Етказилган моддий зарар миқдори 337 миллион тенгедан ошади. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда сохта саҳифалар очиб, жиҳоз сотиш ва уни етказиб беришни ваъда қилиб, жабрланувчиларни ал-

даб, пулларини ўмариб юрган 23 ёшли йигит ушланди. Унинг устидан 4та жиноий иш очилди. Умуман ўтган йилги зарар миқдори 1 миллиард тенгедан ошиб кетди.

– «CyberPol»нинг иш таъминоти нимадан иборат?

– Дастлаб, ижтимоий тармоқларда саҳифаларимиз очилди, уларга жабрланувчилар ўз арз-шикоятларини яширин турда йўллаш имконига эга бўлишди. Тезкор гуруҳ тузилиб, улар компьютерлар, махсус дастурлар ва хизмат трансporti билан таъминланди. Маълумки, жиноятчиларга қарши курашиш учун, аввало, профилактика ишларини кучайтириш зарур. Сабаби, аҳоли бу ҳақда тегишли маълумотга эга бўлмаса, мунтазам равишда хатоларга йўл қўяверди. Шу мақсадда блогерлар ва машур актёрлар ёрдамида видеолавҳалар тайёрланди. Савдо марказлари, кинотеатрлар, маданият уйлари ва бозорларда, умуман одамлар кўп йиғилганди жамоат жойлари-

да тарғибот ишларини юритдик. Кенг жамоатчиликка этиб бориши учун «Туркистон-БТО» (коммунал тўловлар бўйича муассаса) ўз истеъмолчилари билан ишлади. «Эҳтиёт бўлинг, фирибгарлар!» шioriини тарғиб қилишда маданият ва туризм бошқармаси ўз тадбирларида, Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Жума кунлари – мадраса-масжидларда ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, ходимларимиз вилоятдаги университетлар ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувлар ўтказиб туради. БевоСИта саволларга ҳам жавоб берилади. «cyber_polisia_turkistan» akkaунти ҳам фаол.

– Газетхонларимиз интернет-фирибгарликдан ўзларини ҳимоя қилишлари учун қандай маслаҳат берасиз?

– Кундан кунга интернетдаги фирибгарликнинг тури кўпайиб бормоқда. Шунинг учун имкон қадар ҳар бир телефон кўнғироғига хушёр бўлиш керак. Шубҳали хабарларни, рекламаларни ўқимаган маъқул. Шунини маълум қиламизки, давлат органлари, полиция, банклар ходимлари ва алоқа операторлари телефон орқали шахсий ҳисоб рақамига оид маълумотларни ёки уяли телефонга келадиган кодларни сўраб, мурожаат қилишмайди. Ваҳоланки, бугунги кунда Туркистон вилояти бўйича фирибгарлар кўллайдиган усулнинг биринчиси айнан мана шу ҳолат. Яъни, банк ёки полиция номидан телефон қилиш. Бу усулни кўллашда полиция либосини

ҳам кийиб, содда фуқароларни чун туширишади. Иккинчи усул – алоқа операторлари сифатида кўнғироқ қилиш. Учунчиси – «Қазпошта» ёки Egov.kz порталидан. «Сизга муайян товар ёки маҳсулот келди», деб хабар беришади. Бу энг кўп ишлатадиган йўл. Холбуки, ўз манфаат-мақсадлари йўлида бундан ҳам кўп, турлитуман, биз ҳали билмайдиган схемалари ҳам етарли. Лекин кўпчилиги «Бинанс», «Байбит» каби электрон криптобиржа дастурларидан фойдаланишади. Кейин дропперлар (фирибгарларга ёрдам берувчи фуқаролар) ҳам кенг тарқалган. Масалан, бир фактга келсак, фуқаро онлайн реклама асосида трактор харид қилишга қарор қилади. Бироқ, фирибгарлар томонидан алданади ва ўзи билмаган ҳолда 1 миллион тенгеге яқин маблағни сохта ҳисоб-рақамига ўтказиб беради. Алдангани маълум бўлгач, полицияга арз қилади. Ушбу фактга кўра, тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилди ва натижада фирибгар Жетису вилоятининг фуқароси экани аниқланди. Дроппер ҳиСбга олинди, жазосини ўтамоқда. Дарвоқе, интернетда алдандиганлар асосан 40-60 ёш оралиғидаги фуқаролар. Соҳа бўйича – ўқитувчилар, тадбиркор ва нафақадорлар. Қишлоқ фуқароси ҳам, шаҳар фуқароси ҳам бирдек алданиб қолиши кузатилмоқда.

– Интернет ўғриларидан зарар кўрганларга нима дей оласиз?

– Бу тоифа ўғриларида

зарар кўрганлар ички ишлар органига ариза беришлари керак. Аввал 102-рақамига зудлик билан мурожаат этиш талаб этилади. Биз аризани қабул қилгач, иш очамиз ва тегишли тергов амалларини бошлаймиз. Гумондор шахслар аниқлангач, айбини тасдиқлаш учун далиллар зарур бўлади.

Айби тўлиқ тасдиқланса, судга йўлланади. Айбдорларга суд ҳукми билан 4 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади.

Телефон рақамларимиз: 8 708 332 39 49, 102.

– Суҳбат учун ташаккур!

Н. МАВЛОНОВА.

Хотира – муқаддас

ПИРИ БАДАВЛАТ ОНАХОН ЭДИ

Саврон туманининг Уранғай қишлоғи турғуни, ажойиб фарзандлар тарбиялаб, вояга етказган қахрамон она Гулзада Шалдарбекқизи Утепбергенова (тасвирда) табаррук 90 ёшда фониждан дорулбақога риҳлат қилди.



Утепбергенова волидаи мухтарамасининг вафоти муносабати билан М. Аюезов номли мактаб жамоаси, Саврон туманидаги спорт фахрийлари номидан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изхор қиламиз. Аллоҳ марҳумани раҳматига олсин, охирати обод бўлсин.

Тойир ТОЙЖОНОВ, ҚР спорт фахрийси.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти, Қорачиқ қишлоғи УЭМБ фаол муштарийларимиз, ҳожи ота ва ҳожи она

Арзимат Толиб ўғли-ҳамда

Марҳамат Абдукарим қизи-

нинг вафотлари муносабати билан марҳумларнинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изхор қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

»» Авлодлар бирлиги ва ворисдошлиги

ШУКРОНА

Саврон туманидаги Қорачиқ қишлоғи ўзбекистон раиси, Мирзахон Адхам ўғли "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасини ташкил этиш, тўйларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш ҳолатини ёшларга тушунтириш баробарида қишлоқдаги мактаблар номини ўзгартирмай, ўз ҳолида сақлашида туман ҳокимлигига бир гуруҳ ҳамқишлоқлари билан мурожаат этиб, пировардида ижобий натижага эришган фидойи инсон.



Моҳир ошпаз сифатида ўзбек халқининг ҳалим, ёсмиқ каби қадимий таомларини маромига етказиб, мазали тайёрлаганига талай марта гувоҳ бўлганмиз. Падали бузруквори Адхам ота УВУ фахрийси, очлик исканжасидаги Ленинград камалини бошидан кечирган мустаҳкам иродали аскар сифатида ўғлига нонни увол қилмасликни кўп марта тайинлаб, ўқитишдан чарчамаган. Унинг урушдан кейин қишлоқда ғайрат ила меҳнат қилиб, пешқадам савчи сифатида эришган залворли ютуқлари шарафига 15 иттифоқдош республикалар пойтахти Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этган. Ҳаётда қийинчиликни кўп кўрган, сабр-бардошли уруш фахрийси Адхам отанинг исм-шарифи қишлоқдаги УВУ иштирокчилари хотирасига барпо этилган ёдгорликка зарҳал харфлар билан битилган. Қорачиқ қишлоғидаги "Қорачиқ", "Қорачиқ-М", "Ясавий" номли умумтаълим мактабларида обунда фаол ҳамқишлоқлари Қодир Аҳмедов, Жаъфар Исмаиловлар ҳамроҳлигида ўқувчилар билан учрашув чоғида Адхам отанинг урушдан кейинги очарчилик даврида бошдан кечирганлари, хусусан, Туркистон бозорида ота-онасиз етим, оч болаларга ўзининг бир кунлик овқати — ягона қулча нонни тақсимлаб, баҳам кўрганлигини ҳикоя қилиб берганимизда, барча жон қулғи билан тинглаб, бугунги фаровон ҳаётимизга шукроналар айтганини қузатганман.



Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр. Мирзахон Адхам ўғлининг Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридаги А. Навоий бобомиз мақбарасини зиёрат этгани, лекин осойишталик барқарор бўлмаган юртдаги жанги қуроли тўдаларни кўриб, тинчлик ҳукмрон бўлган қадрдон Қозоғистон, кўҳна Туркистон ва қирқ қопқали Қорачиқ қишлоғини астойдил соғинганини, икки давлатни қиёслаб, фаровон Қозоғистонда яшаётганини идрок этиб, яратганга шукроналар айтади.



Амир Темур ҳаётдан кўз юмган Ўтрор тумани заминидида соҳибқирон хотирасига бағишлаб, очилган ёдгорлик зиёратини ташкил этиш масаласида қишлоққа ташриф буюрганмизда, Мирзахон Адхамовнинг тадбиркор ўғли Маҳмуджон, Шимкентдаги олий ўқув юртида таҳсил олаётган иқтидорли наваралари Ислоҳ ва Бахтжонлар билан суҳбатда бўлди. Уларга падали бузруквори ва боболари Мирзахон Адхамовнинг вилоят марказидаги нуфузли йиғилишларда қишлоқ ҳаётига оид муаммоларни дадил кўтариб, эл қорига камарбаста бўлаётганлигини баён этди. Диққат билан тинглашди. Уч авлод вакиллари биргаликда тарихга муҳралиди. Азиз асримизнинг азиз онлари, азиз одамлардан сўрайди қадри. Бу дамларнинг гашти, сурур ва саодати ўзгача файзли. Шукроналар айтамыз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: УВУ фахрийси Адхам Мусобоев; Мирзахон Адхамов оиласи даврасида; "Қорачиқ" мактабидаги тадбирда.

Муаллиф суратга олган.

Онализ каби мўътабар
устоз - муаллима

Ассалом устозлар меҳри зиёлар,
Юраги қуёшу қалби дарёлар...
Сўзларидан дур, юзларидан нур
таралган қадрли ва севимли устозлар!

Бугунги мавзумиз фидокорона меҳнатлари билан ёш авлодга билим ва тарбия берган, меҳр-муҳаббати билан ҳар бир шогирди қалбида ўчмас из қолдирган, азиз устозимиз — нафақа ёшни қарши олган Дилбар Йулдошбекова ҳақида.

тиббийёт ходими Боқижон Йўлчибек ўғли билан икки қиз ва бир ўғилни тарбиялаб, уларга таълим ва тарбия берди. Тўнғич қизи ота касбини улуғлаб, тиббийёт соҳасида фаолият юритмоқда. Қолган фарзандлар эса оналари каби ёш авлодга таълим-тарбия бериб, келажак авлод камолоти йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунда нафақа ёшидаги муаллима 11 нафар неваранинг меҳрибон, дуогўй бувижониси, уларга доимо меҳр-муҳаббат улашиб келмоқда.



1964 йил 20 март куни Қорабулоқ қишлоғида Сармон Ҳожиқуловлар хонадонидида бир умр меҳр ва билим таратишга қодир бўлган учинчи гўдак — Дилбар Сармон қизи дунёга келди. У 1971 йили Ҳамза номли мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинди. Д. Ҳожиқулова тиришқоқлиги ва ақл-заковати тўғрисидаги мақола аълога тамомлаб, 1979 йили Бекобод педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1983 йили эса ушбу билим юрти муваффақиятли тамомлади.

Дилбар Сармон қизи меҳнат фаолиятини 3-сонли Ҳамза номли ўрта мактабда бошланғич синф муаллимаси сифатида бошлади. 1984 йили эса Йулдошбековлар хонадонига келин бўлиб, бахтли оила қурди. Турмуш ўртоғи,

Д. Ҳожиқулова Ҳамза номли мактабда сидқидилдан меҳнат қилди. Қорабулоқ қишлоғининг Қир даҳасида янги бошланғич 92-сонли «Оқсув» мактаби фаолиятини бошлаган пайтдан эътиборан, мақоламиз қахрамони 1986-1989 йилларда ушбу илм масканида бошланғич синф мудариси (директори) лавозимида ўқувчиларга мустаҳкам билим беришга, касбига меҳр ва иштиёқини намоён этишга ургу берди. У кўпгла шогирдлар улғайтириб, келажакда билимли ва маърифатли авлод тарбиясига ўзининг бекиёс ҳиссасини кўшди.

Ушбу соҳага бутун умрини бағишлаган устоз сифатида 13 синфни муваффақиятли битиришига имкон яратиб, катта ҳаётга йўлланма берди. Ҳозирги

кунда шогирдлари турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, жамият ривожига ҳисса қўшиб келмоқда.

Қадрли устоз!

42 йиллик фаолиятининг давомида жамият тараққийига катта ҳисса қўшди ва сизнинг меҳнатингиз ёшлар учун ёрқин намуна бўлиб қолади. Ҳар бир кун, ҳар бир соат, ҳар бир дақиқани ўқувчиларингизнинг ривожига ва келажакдаги уларни олий мақсадларга йўналтиришингиз учун чексиз раҳмат. Таъзим сизга!

М. ИБРОҲИМОВА.

Тасвирларда: нафақа ёшига етган узтосни улуғлаш тадбиридан лавҳалар.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Тадбиркор С. Отаевга
катта раҳмат!

Аҳоли сони тез ўсаятган Янги Иқон қишлоғи аҳли мана бир неча йилдирки, раван ва ҳар томонлама қулай йўлдан фойдаланишмоқда.

Ҳолбуки, кўп йиллар йўл носозлиги тўғрисида қаттиқ қийналдик, қўшни Эски Иқон қишлоғига 25 чақирим масофада автомашиналар йўл чеккасидаги йўлаклардан ҳаракатланишга мажбур эди. Янги йўл барпо этилди. Бизларга улкан қувонч ҳада қилган давлатимиз ва бюджет ҳисобидан ажойиб йўл барпо этган "Ақ жол" қурилиш ташкилотининг серғайрат раҳбари Со-

биржон Карим ўғлига ташаккуримиз чексиз. С. Отаев нафақат бизнинг, балки ўнлаб қишлоқларда йўл барпо этган, масжид қурилишларига ҳомийлик қилиб, беҳад саваб олган ҳимматли инсон.

Туркистон шаҳри ва ҚР фахрий фуқароси Собиржон Отаевга мустаҳкам саломатлик, бунёдкорлик фаолиятида бахт-саодат тилайман.

Бобожон ЁҚУБОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Тасвирда: С. Отаев билан
Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.



»» Обуначиларимиз орасида

ЯХШИЛИК УЛАШИШ САОДАТИ

Меҳнат фахрийси, маърифатпарвар зиёли Раҳбар Муҳаммаджоновга суюқлиқ нашримиз "Жанубий Қозоғистон" газетаси орқали миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Зеро, яхшилиқни эътироф этиш яхшиларнинг иши, деган ҳикмати нақл бор. Муборак ҳаж сафарига у инсон билан бирга бориб, мусулмончиликнинг бешинчи фарзини бирга адо этганмиз. Сўзларида ҳаётий фалсафа, эзгуликка мойил нурунийлик фазилати мавжуд бу онахонга ҳурматим баланд. Яқинда Раҳбар ҳожи она тавсияси ва кўмаги билан кўпдан буён қийнаб келаятган оёқ оғриги хасталигидан халос бўлдим. Одамларга ҳолисанилло яхшилиқ улашиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган савоби мўл фазилат. Самимийлик соҳибаси Раҳбар ҳожи онага сийҳат-саломатлик, узоқ умр тилайман.

Клара ИРИСҚҮЛ қизи.
Қорачиқ қишлоғи.

Тасвирда: Р. Муҳаммаджонова ва К. Ирисқул қизи.

Тадбир
файзли ўтди

Баҳорги таътилдан сўнг, 3-чоракнинг илк кунларида рус тилида таълим оладиган 3-Д синфда "Кун ва туннинг тенгласуви" мавзусида очиқ тарбиявий соат ўтди.

Ўқувчилар ўзбек, қозоқ, рус тилларида Наврўз, баҳор байрамига атаб шеър, кўшиқ, мақол ва айтишувлар билан ўз маҳоратларини кўрсатишди. Ўғил болалар арқон тортиш, ошиқ отиш, тўққиз кумалоқ ўйинларини, қизлар эса сумалак тарихи, "тушов кесди" одатларини намойиш этишди. Ўғил-қизларимиз рақслари тадбирга файз бағишлади.

Шахло МУСАХОНОВА,
Муқимий номли 13-сонли
умумтаълим мактабининг
бошланғич синф муаллимаси.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон — Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт — Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибаш — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал — Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч — Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ — Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси — "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларидаги факт
ҳақида даъватларни тўғрисида ушбу мақола
лар, реклама ва эълон берувчилар масъул.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34VРУ00022503 ғувоҳнома берилган.

"ERNUR print" МЧБ бошқарувида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши — 65466.

Адади — 11400 нуска.

Биринчи
774.

Набатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.